

МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Азиз фарзандларим, ҳурматли устоз ва мураббийлар, муҳтарам ота-оналар!

Бугун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида “сўнги кўнгирик”лар янграб, байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Мана шу ҳаяжонли дамларда 472 минг нафар ўғил-қизларимиз мактаб таълимини тугатиб, катта ҳаётга йўланма олмақда.

Ана шундай унутилмас айём билан барчангизни чин қалбидан самимий табриклайман.

Биз бугун келажак режаларини тузаётган сиздек фарзандларимиз тимсолида Янги Ўзбекистонни дунёга тараннум этадиган бунёдкор кучни кўраемиз.

Жорий йил биринчи марта 11 минг нафардан зиёд фарзандларимиз мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомламоқда. Бундай интилувчан ўғил-қизларимиз келажакда ҳам ўз тенгдошларига намуна бўлиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади деб ишонаман.

Ҳар бир мактаб битирувчисининг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳозирги кунда катта куч ва имкониятларимизни сафарбар этаймиз.

Албатта, бугунги битирувчи — эртанги муҳандис, шифокор, олим, шоир ва адиб, тадбиркор дегани. Бугунги битирувчи — Учинчи Ренессанс бунёдкори дегани. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг энг катта ишончи ва таянчисиз.

Мамлакатимизда 207 та олийгоҳ ва 643 та техникум сизларга замонавий билим, касб ва малака беришга тайёр. Тиримчилик, ўз кучига ишонган ёшларимиз ҳали мактабни тугатмасдан туриб, юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларга киришга улгурди. Масалан, 171 нафар ёшларимиз дунёнинг етакчи университетларига, яна минглаб битирувчилар мамлакатимиздаги олийгоҳларга қабул қилинди.

Ана шу фарзандларимни, уларнинг ота-оналари ва устозларини бундай ютуқлари билан чин дилдан табриклайман.

Азиз битирувчилар!

Ўзингиз кўряпсиз, бугун ҳаёт ҳам, меҳнат бозоридаги талаб ҳам шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янги-янги касблар пайдо бўляпти. Тил, касб, компьютер савдонлиги ва мустақил даромад топиш кўникмасини эгаллаш муҳим заруратга айланмоқда. Меҳнат бозори энди, аввало, “ҳужжат” эмас, амалий билим, малака ва натижа сўрайпти.

Бугун қишлоқдаги оддий мактаб битирувчиси эртага дунё тан оладиган олим бўлади. Бугун олдида катта мақсадлар кўйган, интилувчан, изланувчан ёшларимиз эртага миллионлаб инсонларга хизмат қиладиган технологияларни яратди. Бугун китоб ўқиган бир қизалоқ эртага мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган фарзандларни тарбиялайди.

Шу боис, ҳар бирингиз камидда биттадан хорикий тил ва замонавий касбни эгаллашга ҳаракат қилинг. Бу келажакка очилган эшик, сиз учун қўшимча имконият ва рағбатдир.

Тадбиркор бўлишни истайдиган ёшларимиз учун банклар жорий йил 25 триллион сўм арзон кредитлар тақдир этмоқда. Стартап лойиҳаларини бошлаган битирувчиларга эса 100 миллион доллар маблаг тайёрлаб қўйганмиз. Энг йирик АТ компаниялар ҳар йили камидда 50 минг битирувчининг сунъий интеллект бўйича ўқитиб, юқори даромадли ишга жойлаштиришга тайёр. Келгуси йилларда 168 минг гектар супер интенсив саноатлашган боғлар ташкил қиламиз. Мазкур лойиҳаларда қатнашмоқчи бўлган болаларимни мен доим қўллаб-қувватлайман.

Мана шу янги соҳаларда сизлар, албатта, ўз касбингизнинг ҳақиқий эгаси бўласиз!

Қадрли фарзандларим!

Бугунги тез ўзгараётган даврда ҳаётга, унинг кескин талабларига тайёр бўлиш бу — энг муҳим вазифа.

Ушбу йўлда сизлар учун энг яқин дўст ва энг кучли қурол — китобдир. Чунки китоб — нур, илм ва ибрат манбаи. Кўп китоб ўқиган инсон ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайди, кучли ирода, кенг дунёқарашга эга бўлади.

Бугунги ҳаётимизда сизлар учун ўрнатилган ютуқларимиз, ёш-ёш қаҳрамонларимиз кўп. Тўрт-беш йил олдин мактабни тугатган Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Абдуқодир Хусанов каби машҳур спортчиларимиз шахмат ва футбол оламида бутун дунёни қўйил қолдирмоқда.

Еш кино ижодкорларимиз суратга олган қисқа метражли фильм Канн халқаро кинофестивали доирасидаги инклюзив фильмлар фестивалида Гран-при мукофотини олишга сазовор бўлди.

Куни кеча футбол бўйича миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатида катта тантанга билан кузатдик.

Барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишладиган бундай ютуқлар илгари тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган.

Кўряпсизларми, чин дилдан интилса, ҳаракат қилса, Янги Ўзбекистон ёшлари қандай буюк марраларни забт этишга қодир!

Мен ишонаман, сизларнинг орангиздан ҳам ана шундай миллат қаҳрамонлари, Янги Ўзбекистон ифтихорлари етишиб чиқади!

Бу дунёда ҳар бир онгли инсон ота-онаси, устозлари ва эл-юрти ишончини оқлашга интилиб яшайди. Инсон учун энг улуг бахт, улкан шараф аслида шу.

Сиз бугун мактабни тугатдингиз, лекин катта ҳаёт мактаби энди бошланмоқда.

Мен сизларга ана шундай тенгсиз бахт, юксак саодат эгаси бўлишларингизни тилайман.

Олдингизга катта мақсадлар қўйишдан ҳеч қачон қўрқманг!

Ўзингизга ишониб, ҳамisha олға боринг! Доимо ўзгаришлар, ислохотлар руҳи билан яшайдиган авлод бўлинг!

Шу йўлдаги илк қадамларингиз култув ва баракали бўлсин!

Барчангизга бахт ва омад ҳамisha ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Яқунланган ҳафта мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой кечди. Қувончли лаҳзалари билан тарихга муҳрланди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Миллий китобхонлик ҳаракати” дастурига старт бериши минглаб қалбларда китобхонликка қизиқишни алангалатган бўлса, футбол бўйича жаҳон чемпионати олдидан футболчилар, мураббийлар билан учрашуви, “Бунёдкор” стадионига ташрифи футболсевар юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди.

ҲАР ЖАБҲАДА БУНЁДКОРЛИК, ҲАР СОҲАДА ШИДДАТКОРЛИККА ЭРИШАМИЗ



Янги Ўзбекистон руҳи

Халқимизнинг узоқ йиллик орзуси Уларок, муңдидалда Ўзбекистон футболнинг тарихий натижаларга эришишни барчамиз зорак-юракдан хоҳлаб турибмиз. Футболимиздаги туб ўзгаришлар, давомли ютуқлар спортнинг бу турига оммавий меҳримизни янада оширапти. Ота-оналар фарзандларининг Абдуқодир Хусанов, Элдор Шомуродов, Аббосбек Файзуллаевдек эл

назарига тушган ўйинчи бўлишни орзу қилмоқда. Шу мақсадда ўғилларини аввалгидан тубдан фарқ қилувчи футбол мактаблари ва академияларига етаклаб борапти.

Ҳа, одамлар бугун адабиёт ҳам, спорт ҳам, умуман, барча соҳани ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганини салмоқли сай-ҳаракатлар ва силжишлар

мисолида қўриб турибди. Жумладан, мутлола маданиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар доирасида ўтказилаётган “Еш китобхон” танлови эртанги эгаларининг мутлола маданиятини янги босқичга олиб чиқаётгани аини ҳақиқат.

➤ *Давоми 2-бетда*

Юксалиш палласи



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

2025/2026 ўқув йилида мамлакатимиздаги 10 минг 193 та мактабни 1 миллион 94 минг 330 ўғил-қиз тамомламоқда. Уларнинг қарийб 622 минг нафари 9-синф, 472 мингдан зиёди эса 11-синф битирувчиларидир.

- 9-синф битирувчиларининг 16 минг 481 нафари мактабни аъло даражали шаходатнома, 11-синф битирувчиларининг 2047 нафари кумуш, 9731 нафари олтин медал билан тамомлапти.
- Битирувчиларнинг катта қисми Самарқанд (125 минг 523 нафар), Фарғона (116 минг 428 нафар), Қашқадарё (107 минг 263 нафар), Андижон (102 минг 939 нафар) вилоятларига тўғри келяпти.
- 2025/2026 ўқув йилида мактаб ўқувчилари минтақавий ва халқаро фан олимпиадаларида 24 олтин, 46 кумуш, 57 бронза медални қўлга киритди. 2 ўқувчи қиз Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди. Тил билиш даражаси бўйича сертификатга эга ўқувчилар сони 40 минг 566 нафарни ташкил этиб, 2021 йилдаги (10 минг 960 нафар) га нисбатан 3,7 баробар ўсди.

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

АСРГА ТЕНГЛАШГАН ИСЛОҲОТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ ДОВОНИ

Инсон ҳаёти мазмун-моҳиятига кўра, йиллар, ўн йилликлар камровига сизмайди. Мураккаб бир вазиятда қабул қилинган қарор ёки танлов тарихий бурилишни бошлаб беради, тақдирларни ўзгартириб юборади, жамиятни янги йўлга бошлайди. 1991 йилнинг 31 августи биз учун ана шундай тарихий бурилиш палласи бўлиб қолди. Зеро, халқимиз аини шу кунни ўз мустақиллиги, истиқлолини қўлга киритди, миллат сифатида қайта туғилди.

Янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар эса инсон қадрини тиклади, одамларга чинакам ҳурликни қайтарди берди. Шу маънода, мустақиллик қалбимизда, онг-шууримизда, тақдиримизда чуқур илди отаверади, унинг солномаси Ўзбекистон номи билан атаётган ғалабалар, жаҳон эътиборига тушган ютуқларимиз билан бойиб бораверади. Бу йилларнинг ҳар кучи, ҳар лаҳзаси маъно-моҳиятига кўра, “умр дафтарини шоҳ сатрлар билан бешаш” ва бу бебақдан дунёни хайратга солиш даври бўляпти.

➤ *Давоми 3-бетда*

ГЕНДЕР СИЁСАТИ: РАҚАМЛАР ОРТИДА РЕАЛ ИШЛАР САМАРАСИ ТУРИБДИ

Бухоро асрлар давомида Шарқ цивилизациясининг юраги, илм-фаннинг бекиёс маркази, қиъғалар кесишган савдо йўлларининг муҳим чорраҳаси бўлган. Мана шундай заминда яна бир тарихий саҳифа битилди. Осие хотин-қизларининг иккинчи форуми минтақадаги 2,5 миллиард аёлнинг овози янграган, ҳуқуқлари, орзулари ва имкониятлари кун тартибига чиқарилган мулоқот майдонига айланди.



Форумнинг аини тарих ва замонавийлик туташган нуқтада ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, Шарқда аёлнинг мавқеи ҳамisha нозик ва чуқур мазмунга эга бўлган. У нафақат оиланинг устуни, балки жамиятнинг асоси, маданиятнинг кўзгуси ва тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Бугун эса у иқтисодий майдонига, парламент залларига, илм-фан ва технология дунёсига қадам қўйяпти.

Президентимиз форум иштирокчиларига муножаатда таъкидлаганидек: “Бугун Осие қитъасида истиқомат қилаётган 5 миллиардга яқин аҳолининг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Биз уларнинг тимсолида нафақат нафосат соҳибларини, балки мамлакатларимиз тараққиётини жадаллаштириш, халқлар фаровонлигини юксалтириш ва адолатли дунёни барпо этиш йўлидаги улкан бунёдкор кучни кўраемиз”. Мана шу жумлаларда форумнинг бутун фалсафаси мужассам.

➤ *Давоми 5-бетда*



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Янги Ўзбекистон руҳи

MILLIY
KITOBXONLIK
HARAKATI

ҲАР ЖАБҲАДА БУНЁДКОРЛИК, ҲАР СОҲАДА ШИДДАТКОРЛИККА ЭРИШАМИЗ

“

Ҳозирга келиб футбол академиялари янгидан қурилди, керакли мутахассислар билан таъминланди. Умуман, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, ўйламанки, келажакда Ўзбекистондан кўплаб моҳир ўйинчилар чиқишини таъминлайди. Насиб қилса, ҳали жаҳон чемпионатида медаллар учун курашадиган терма жамоа бўлиб шаклланамиз. Чунки кечагидек халқ меҳрига тўла тадбирлар футболчиларнинг ички ғурури, ватанпарварлигини уйғотиб юборади.

Бошланиши 1-бетда

Ҳозиргача танловда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан юз минглаб ёшлар иштирок этди. Ғолиб китобхонларнинг замонавий автомобиль билан тақдирланаётгани бутун халқимиз орасида катта қизиқиш уйғотди. Шу маънода, энди мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича кенг қамровли умуммиллий ҳаракат бошланипти.

Китобхонлик ҳаракатига хайрихоҳлар билан янги имкониятлар, ёруғ йўллар ҳақида суҳбатлашган бўлсак, футболимиз фидойилари билан тарихий учрашув, чемпионат олдидидаги ўйлари хусусида фикр алмашидик. Спортчиларимизнинг “миллионлар ўйини”даги шиддати, давлатимизнинг мутлола маданиятини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатини хорижликлар ҳам эътироф этаётганидан фخرландик.



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон маданият вазири:

Ўзбек ёшлари

юлдузларни кўзлайди

— Бугун ўзбек футболда адолат қарор топди десак, менимча, энг тўғри гап бўлади. Чунки давлатимиз раҳбарининг ўзи бу масалага шахсан киришди. Мана, алоҳида эътиборнинг катта натижасини кўриб турибмиз. Демак, адолат бор жойда ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмаслигини бемалол намоён эта олади. Ўғил-қизларимиз спорт, китобхонлик шарофатидан уйли ва машинали бўляпти. Футболчиларимизни жаҳон чемпионатида кузатиш олдидан ўта хайрли

лойиҳа — миллий китобхонлик ҳаракати бошлаб юборилди. Ўйлашимизки, бу эзгу иш келажакимиз ворислари ҳаётида ғоят муҳим ўрин тутди. Зеро, ёниб турган кўзларга умид, ишонч бериш, таянч бўлиш ўзбек ёшларини шижоатлантирадиган, бирлаштирадиган муҳим омил десак, хато бўлмайди. Бу саъй-ҳаракатлар замирида эса, энг аввало, ёшларга эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, алоҳида меҳр-муҳаббат турибди.

Бу кунларни қанча кутдик?!



Одил АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон футбол
ассоциацияси вице президенти:

— Президентимиз билан учрашувда бугуннинг футболчиларига қараб, кўнглимдан бир гап ўтди: “Булар — энг бахтли футболчилар”. Уларнинг ортида давлатимиз раҳбарининг ўзи тоғдай таянч бўлиб турибди. Футболни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига чиққани ва бунинг натижаси амалда кўринаётгани эса бутун ўзбек халқини хурсанд қилиб келяпти. Бу эса ёшларга куч бағишлаб, уларни қатор муваффақиятларга етаклапти. Шунинг учун ҳам ўзбек футбол, Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида бугун дунё аҳли гапиряпти. Бу кунларни қанча кутдик?!

Ҳозирги ёшларга яратилаётган имкониятларни бир вақтлар миллий терма жамоа таркибиде эканимизда орзу қил-

ганимиз. Футбол академиясидан тортиб, профессионал футболгача қанақа йўлни босиб ўтганимизни ўзимиз биламиз. Ўша пайтлари имконимиз даражаси нечоғлиқ бўлганини мен билан бирга футбол ўйнаганлар жуда яхши билади. Ҳозирга келиб футбол академиялари янгидан қурилди, керакли мутахассислар билан таъминланди. Умуман, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, ўйламанки, келажакда Ўзбекистондан кўплаб моҳир ўйинчилар чиқишини таъминлайди. Насиб қилса, ҳали жаҳон чемпионатида медаллар учун курашадиган терма жамоа бўлиб шаклланамиз. Чунки кечагидек халқ меҳрига тўла тадбирлар футболчиларнинг ички ғурури, ватанпарварлигини уйғотиб юборади.

Жаҳонга кенг йўл очилади



Сайд Ал-ЭТЕР,
БАА ҳукумат дипломатияси
идораси бош директори:

— Мамлакатингизда китобхонлик тарғиботи бағишланган маросимда қатнашдик. Ўзбекистон Президенти ушбу миллий ва стратегик ташаббусга старт берди. Давлатингиз раҳбарининг нутқидан жуда илҳомландим.

Ўзбекистон асрлар давомида илм-фан маркази бўлиб келган. Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий каби буюк алломалар ислом олами ва бутун дунё илм-фанига ҳисса қўшган. Буларнинг барчаси китоб орқали амалга ошган. Бугун Президентингизнинг китобхонлик ҳаракатини илгари сургани

Ўзбекистон учун янги Ренессанс даврининг бошланишидир. Давлат раҳбари китобга ва ёшларга ишонади. Китоб, илм-фан ва ёшлар бирлашса, Ўзбекистон учун янги йўл очилишини яхши билади. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун ҳам кенг йўл очилади.

Чунки илм-фан яратадиган ҳар қандай янгилик ва ёшлар эришадиган ютуқлар фақат Ўзбекистонга эмас, балки умумий илм-фан тараққиётига ва бутун дунёга таъсир кўрсатади. Шунинг учун илгари суриляётган ушбу стратегик ташаббус ва ҳаракатни

Ўзбекистон ёшлари учун бурилиш нуқтаси деб биламан. Яқин йилларда ушбу саъй-ҳаракат халқ ва ёшлари учун энг яхши тилакларни билдиради. Зеро, Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарлари бошчилигида бугунги муносабатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик учун намуна бўлади. Энди бу алоқалар фақат давлат ривожини соҳасидагина эмас, балки ташқи савдо, иқтисодиёт, туризм, авиация, логистика, шунингдек, мутлола, таълим ва бошқа кўплаб йўналишларда ҳам чуқур интеграцияга айланди. Бу бошқа давлатлар учун ҳам ибратлидир. Ишонимизки, икки мамлакат раҳбарлари бошчилигидаги ушбу ҳамкорлик келгуси йилларда янада янги босқичларга кўтарилди.

Футболдаги муваффақиятларнинг ижобий таъсири

Мирзаҳаким ТҲТАМИРЗАЕВ,
футбол шарҳловчиси, спорт фахрийси:

— Ҳақиқатан, 34 йиллик орузимиз бугун ушалди. Ўтган йили Абу-Дабидаги учрашувнинг сўнгги дақиқалари ўтиб бораётганда кечирган туйғуларимизни сўз билан ифодалаш қийин. Йигитларимиз жаҳон чемпионатида чиқишга муносиблигини амалда кўрсатди. Футбол бор-йўғи бир ўйин эмас, жуда катта ижтимоий ҳодиса, сиёсат эканини эса ундан кейинги воқеалар кўрсатиб берди. Юқори савиядаги саммитларда Қозғистонда, Озарбайжонда Президентимизга сўз беришдан аввал шу давлат раҳбарлари мамлакатимизни жаҳон чемпионатида чиққани билан табриклади ва “Ўзбекистонга мухлислик қиламиз”, деди.

Яна бир мисол. Уйига четдан, хориждан меҳмон келса, ўзбеклар дастурхон ёзда, юртининг энг гўзал гўшаларига бошлаб боради. Ўтган йили 10 июнь кунни пойтахтимизга келган давлат ва ҳукумат раҳбарларининг “Бунёдкор” стадионига тақлиф қилиниши ҳам футболга чуқур ҳурмат рамзи бўлди. Жаҳон чемпионати саралаш учрашувда Қатарга қарши ўйнаётган йигитларимиз 3:0 ҳисобида Осиёнинг икки қарра ва амалдаги чемпионини мағлуб этиб, ишончини оқлади.

Шу ўринда бугунги кунларга осонликча етиб келмаганимизни алоҳида таъкидлаш керак.

Мустақилликка эришганимиздан буён 2016 йилга қадар Ўзбекистон фақат бир мартаба — 2012 йили 16 ёшлар ўртасида Осиё чемпиони бўлган. 2018 йилдан бошлаб йигитларимизни кетма-кет шоҳсупада кўрапмиз. 2018 йили 23 ёшлар ўртасида Осиё чемпиони бўлдик. Кейин ўша 23 ёшлар ўртасида икки марта финалга чиқдик. 17 ёшларимиз, 20 ёшларимиз чемпион бўлди. Буларнинг ҳаммаси футболимиздаги ислохотлар, қилинаётган ишларнинг меваси эканини барчамиз ҳис қилиб турибмиз.

Яна битта жиҳатга эътибор қаратишни хоҳлардим. Биз аввал жаҳон чемпионатида ўзбек ҳакамларига мухлислик қилардик. 2010 йилдан бошлаб Равшан Эрматов бригадаси ишларди. Бу сафар ҳам йигитлар билан бирга ҳакамларимиз ҳам жаҳон чемпионатида борадиган бўляпти. Ҳакамларимизнинг ҳам юзи ёруғ бўлсин.



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
директори:

Китобхонлик билимиларни кашф қилади

— “Миллий китобхонлик ҳаракати”, аввало, давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббусларидан. Бинобарин, дастлаб “Еш китобхон” танлови бошланганда, Президентимиз “Автомобиль бериб бўлса ҳам, ёшларга китоб ўқитамиз”, деганди. Қаранг, орадан вақт ўтиб, миллионлаб ёшлар шу гоё атрофда бирлашди. Китобхонлик чинакам умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу ҳаракатда ҳаёт ва умид бор. Бунга қанча сармоя киритилса, шунча салмоқли натижа беради.

Яқинда яқунланган навбатдаги “Еш китобхон” танлови ҳам бунга яққол кўрсатиб турибди. Мамлакатимизнинг 40 дан зиёд энг билимдон, зукко ўғил-қизлари ягона мақсад йўлида дўстлашди, бирлашди. Уларнинг ноёб иқтидорини ва салоҳиятига гувоҳ бўлиш асносида янги китобхонларни, янги зиёли, ақлли, билимиларни кашф қила-верамиз.

Ўзбекистон жадал ривожланаётган мамлакат сифатида та-

нилаётир. Давлат тараққиёти эса илм-маърифат, билим ва китобхонликка боғлиқ. Юртимизда билимдон авлод шаклланиб экан, ҳар қандай таҳдид, ҳар қандай хатар олдиде чўчмай, ўз йўлимизни изчил давом эттира оламиз. Шу маънода, Миллий китобхонлик ҳаракати ҳам янги Ўзбекистоннинг енгилмас, билимли янги авлод вакиллари тарбиялаш, уларнинг тенгсиз иқтидорини зоғага чиқаришга хизмат қилади.



“Мутлола” мобил иловаси орқали ҳар кун ишга кетаётганда ёки уйда бўлган вақтимизда ҳам аудиокитоб тинглаймиз. Умуммиллий китобхонликка старт берилганини эшитганимиздан кейин, бизда, албатта, унда иштирок этиш иштиёқи ҳам пайдо бўлди.

Мутлолада ҳам фарзандларимизга намуна бўлайлик!

— Кейинги пайтларда ёшларимиз ҳаётида тарихий кунлар кўп бўляпти. Айнан китобхонликка йўналтирилган миллий ҳаракат ёшларнинг мутлолага қизиқишини оширишга хизмат қилади. Энди ҳаракат совриндорига 50 минг АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти берилади. Бу ҳам интеллектуал салоҳият орқали маблаг топишга иштиёқни оширади.

Танловнинг халқчиллиги шундаки, бунда 1-синфдан 11-синфгача бўлган мактаб ўқувчилари иштирок этади. Йил давомида 50 та китобни ким




Маржона ЖҲРАҚУЛОВА,
“Қизлар академияси” лойиҳаси раҳбари:

биринчи ўқиб тугатади деган саволнинг берилиши, қайси ҳудуд, қайси мактаб фаол иштирок этгани лойиҳада аниқ кўрсатилиши қатъий механизм билан тизимли ишлашга ишора. Китобхонлик маданиятининг давлат сиёсати даражасига олиб чиқиши жамиятимизга муносиб янги авлод шаклланишида муҳим.

Турмуш ўртоғим билан шундай ҳаракатларда оилавий қатнашишимиз, фарзандларимизга намуна бўлишимиз муҳим деган хулосага келдик. Зеро, бугун реал ишлайдиган

Ортимизда катта куч — халқимиз бор

Элдор ШОМУРОДОВ,
футбол бўйича Ўзбекистон миллий
терма жамоаси сардори:



— Тарихий мусобақа олдидан ўтган учрашув биз, футболчиларни кучли ҳаяжонга солди. Президентимизга терма жамоамизни алоҳида қўллаб-қувватлаб, руҳлантиргани учун чексиз миннатдорлик билдирдик.

Давлатимиз раҳбарининг “Сизларга шариоит яратиш мен учун жуда катта шараф бўлади. Нимага десангиз, бекорга айтмайман, футбол бу — миллий ғуруримиз, миллий ифтихоримиз, бу — тарбиямиз, бу — маданиятимиз, бу — ўзигимизни англашимиз десак, бу ҳам тўғри бўлади”, деган самимий сўзларидан катта куч олдик.

Италияда ўйнаганимда, мамлакат терма жамоаси футбол базасини кўрганимда деб ҳавас қилганман. Худого шукр, ҳозир Европанинг ҳамма стандартларига жавоб берадиган футбол базамиз бор. Бу биз учун жудаям муҳим ва керакли жиҳат эди.

Насиб этса, ишончини оқлаймиз. Терма жамоамиз аъзоларининг барчаси шай. Яхши тайёргарлик кўрдик. Ҳамма зарур шариоит яратиб берилди. Барчамиз улкан масъулиятни ҳис қилиб турибмиз. Ортимизда қўллаб-қувватлаб халқимиз тургани ҳам бизга дадиллик беради. Нафақат юртдошларимиз, балки бутун Марказий Осиёдаги мухлислар бизни кузатиб туради. Шунинг учун ҳам бор кучимиз билан ўйнаб, яхши натижалар билан қайтишга ҳаракат қиламиз.

Механизм бор. “Мутлола” мобил иловаси орқали ҳар кун ишга кетаётганда ёки уйда бўлган вақтимизда ҳам аудиокитоб тинглаймиз. Умуммиллий китобхонликка старт берилганини эшитганимиздан кейин бизда, албатта, унда иштирок этиш иштиёқи ҳам пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг оталарча ғамхўрлик билан “Кўпроқ китоб ўқинглар, ўз устингизда ишланглар”, деган даъваткор сўзлари барчамизга куч беради.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Муножат МҲМИНОВА
тайёрлади.

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

АСРГА ТЕНГЛАШГАН ИСЛОҲОТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ ДОВОНИ

2026 йил 25 май, 105-сон



Исмоил САЙИДНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз бошчилигида барча соҳадаги кенг қўламли ва изчил ислохотлар она Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, одамларнинг давлатдан рози бўлиб яшаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишларга янгича мазмун бахш этди. Натижада юртдошларимиз турмуш тарзи, ҳаёти бутунлай ўзгарди, юртимиз янгича қиёфа касб этиб бораётир.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганга 35 йил тўлади. Шу муносабат билан жорий йил 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат билан истиқлолимизнинг шонли санасини юксак савияда ўтказиш, ушбу улуг байрамни муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда юртимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатда олиб, мазкур айёмни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, шунингдек, қатор йўналишлар бўйича "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш юзасидан зарур вазифалар белгиланди.

Умумий мақсад ва орзуларимизни мужассам этган ушбу вазифалар ижроси халқимиз ўртасидаги бирлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, айниқса, ёшлар орасида миллий руҳни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлаш тарихий бир воқеа эмас, балки келажакимиз учун муҳим йўл харитасини белгилашдир.

Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун, у қайси соҳада меҳнат қилмасин, ҳаётда, ижтимоий ёки ижодий фаолиятда ўзини тўла намоён этиши, янгиланган Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланиш имкониятини берди. Ислохотлар шабадаси, энг аввало, ҳуқуқ бўлиб он-шуримизга сингди. Натижасини бундан одамларнинг дунёқараши, фикри-зиқри, турмуш тарзида кўриш мумкин. Ҳар бир юртдошимизда ҳаракат, интилиш, яратиш иштиғи бор. Бугунгидан фаровон ҳаёт, брут келажакка ишонч мустаҳкам.

Кейинги йилларда бошланган қурилишлар, деярли қайта қурилган шаҳарларимиз, қишлоқларимизнинг замонавий кўриниши, йўлсозлик, кўприксозлик, шаҳарсозлик илми, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг бениҳоя ривожланиши, илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар, ёш авлоднинг зафарлари, миллатлараро аҳил-иноқлик, бағрикенглик, ҳеч шубҳасиз, истиқлол шарофати.

Ислохотлар жараёнида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойилини жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда давлат ва ҳақимият идоралари узоқ вақт давомида халқ ҳаётидан узилиб қолган. Бинобарин, давлат ва унинг органлари, аввало, халққа хизмат қилиши керак. Бундай давлат ва жамиятнинг кўрсини-хуққий, ижтимоий-иқтисодий

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига 2019 йили аъзо бўлгандан сўнг тузилма сезиларли даражада куч ва обрўга эга бўлди. Зеро, Ўзбекистон ташкилотга қўшилиши билан туркий мамлакатлар занжиридаги муҳим камчилик бартараф этилди. Мамлакатимиз нафақат Марказий Осиё ва Евроосиё геосиёсатида, балки ТДТ доирасида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

ва маънавий-маърифий илдишлари мустаҳкам ва бақувват бўлади. Шу сабабли халқнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини вақтида ва самарали ечиш, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш барча ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Вазир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қозғоғда эмас, амалда жиддий шугулланмоқда. Мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупция, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар очиқ тан олинди, бирин-кетин бартараф этиляпти. Натижада одамларда адолатга, ҳақиқатга ишонч пайдо бўлди. Турли даражадаги раҳбар ва мансабдорларнинг фаолиятига ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳолисона баҳо берилмоқда. Асосийси, одамлар, жамият уйғонди.

2016 йил сентябрда Бош вазир виртуал қабулхонасининг ташкил қилиниши халқ ва давлат ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш имконини берди. Одамларнинг дарди тўғридан тўғри Президентга етиб борадиган бўлди. Натижада реал ҳаёт, ҳақиқий муаммолар борича намоён бўлди!

Бундай ёндашув, бошқарувнинг халқона тутуми, ўз навбатида, жамият ривожини учун аниқ чоралар ишлаб чиқишга хизмат қилди. Халқ ва давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди, ҳақиқий демократия тамойиллари амалда ишлаб бошланди.

Ҳозир кўпчилик салкам ўн йил аввалиги ўша ҳолатларни эсдан чиқарган бўлиши мумкин. Жамиятимиздаги бугунги очиқлик муҳитини ҳар доим ҳам сезаверимиз, балки олдинги давр билан таққослагандagina англай оламиз.



ислохотлардир. Натижада чет эл инвесторлари Ўзбекистонга кела бошлади. Ушбу ислохотлар билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланди, бизнес учун маъмурий тўсиқлар олиб ташланди.

Эркин конвертация, аввало, халқроқ савдо муносабатларининг тўлақонли аъзоси бўлиш учун керак. Зеро, фақат шу орқали халқроқ меҳнат тақсимида иштирок этиб, ундан келиб чиқадиган фойда ва имтиёزلарга эга бўлиш мумкин.

Тараққий стратегиясидаги инсон қадрини юксалтириш, халқлараро давлат барпо этишга оид устувор мақсад ва вазифалар ижросини

ҳимоянинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилгани ва улар "маҳалла еттичилиги"га берилгани натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди. Бошқача айтганда, 2025 йил якунида юртимизда камбағаллик даражаси 5,8 фоизга тушди.

Бундай натижаларга эришишда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсат ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Камбағалликни камайтириш аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган комплекс вазифадир.

Ижтимоий ҳимоя ҳақида гапирганда, пенсионерлар манфаати кучли ҳимояга олингани ҳам эслаш жоиз. Ҳозир аҳолимизнинг қарийб 11 фоизи пенсия ва нафақа олади. Бундан тўққиз йил муқаддам эса пенсионерлар 3 миллион бўлган. Сўнгги вақтда пенсия ва нафақа олувчилар сони йилга 200-250 минг нафарга ўсиб бормоқда. Уларнинг сони ортиши билан пенсия тизимида ҳам бир қанча ўзгаришларга эҳтиёж сезилди. 2017 йилгача пенсионерларни қийнаб келган муаммолардан бири — уларга пул нақд шаклда берилмаётгани эди. Ўша йили 1 февралдан бошлаб мазкур масала ечим топди — пенсия ва нафақалар исталган шаклда, нақд ёки пластик карта орқали берилди. Шу билан бирга, 2019 йилдан бошлаб нафақаси тўлиқ сақлаб қолинган ҳолда пенсионерларнинг ишлашига ҳам имкон берилди.

Кейинги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида сўз борганда, биринчи навбатда, хотин-қизларнинг ўқishi, билим олиши, меҳнат қилиши, уларнинг соғлигини сақлаш, истеъод ва қобилиятини рўйбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенглик бўйича қилинаётган кенг қўламли ишлар тилга олинмоқда. Бунинг сабаби оддий, албатта. Чунки дунёдаги ҳар қандай халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт ва маданият даражаси, аввало, хотин-қизларга муносабат билан белгиланади. Зеро, хотин-қизлар барча соҳа ва тармоқларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга, юксак ҳурмат-эҳтиромда яшagan мамлакатда, албатта, тинчлик, ҳамжихатлик, ўсиш ва юксалиш бўлади. Шу бонс, жамиятимиз ҳаётда фаол иштирок этаётган, турли соҳаларда юқори натижаларга эришяётган, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган оила-йилларимиз ҳар йили давлатимизнинг юксак мукофотлари, шунингдек, "Муўтабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланмоқда. Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган қизларнинг сони 400 га яқинлашгани ҳам ана шундай ишлар қаторига кириди.

Ислохотлар тўғрисидаги ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз

билан ҳамкорликка интилиш кучайди. Биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди. Қўшнилариимиз билан узилиб қолган алоқалар тикланиб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошладик. Виза масалалари ҳал этилди.

Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар мамлакатларимиз кўпгина минтақада ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қила бошладик. Жаҳон сиёсатшунослигида "Марказий Осиё руҳи" ибораси пайдо бўлди.

2025 йил ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви бу жараёнда янги мазмун ва куч бағишлади. Ана шу мисолларнинг ўзиёқ ички ва ташқи сиёсатнинг нақадар боғлиқ ва ҳамоҳанг эканини кўрсатади. Энг муҳими, ички ва ташқи сиёсатимиздаги ана шундай уйғунлик халқимиз манфаатларини кўлаб амалга оширилмоқда ва натижасини оддий одамлар ўз ҳаёти ва тақдирини ҳис этмоқда.



Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига 2019 йили аъзо бўлгандан сўнг тузилма сезиларли даражада куч ва обрўга эга бўлди. Зеро, Ўзбекистон ташкилотга қўшилиши билан туркий мамлакатлар занжиридаги муҳим камчилик бартараф этилди. Мамлакатимиз нафақат Марказий Осиё ва Евроосиё геосиёсатида, балки ТДТ доирасида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу бонс, Ўзбекистоннинг унга аъзолиги туркий дунёнинг келажакда том маънода кескин бурилиш нуқтаси бўлди.

Ташкилот доирасида давлатимиз илгари сурган 60 дан зиёд тақдир ва ташаббус ТДТ фаолиятига янги мазмун бағишлади. 2023 йил ноябрда Остонада бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти давлатлар

раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида Президентимизга туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлаш, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқроқ майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак мукофот — Туркий дунёнинг олий ордени тантанали топширилди.

Мамлакат келажак, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли, маънавиятли инсонларга боғлиқ. Шу бонс, охириги йилларда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Айниқса, олдинлари ўқув йили ибтидоси муаллимнинг ёзилмаган йиллик иш режасини пахта мавсумининг бошланиши белгилаб беради. Қаҳратон қишга қадар давом этадиган бу мавсумни ўқитувчи ўқувчилари билан бирга кўп ишлар қилинди. Сифатида далада ўтказарди. Баҳор бошланиши билан яна дала юмушларига жалб қилинарди.

Бундан ташқари, ободонлаштириш, солиқ йиғиши, қурилиш ишларида дастёрлик ҳам ўқитувчиларнинг зиммасида эди. Бу хизматлари учун эса арзизмаган маош тўланарди. Муаллимнинг обрўси, шаъни, қадрини кадар баҳолагани тўғрисида аксарият ўқитувчилар ишини ташлаб, бошқа соҳаларга ўтиб кетди.

Энди мамлакатимиз янги даврга қадам қўйди. 2017 йил сентябрдан бошлаб ўқитувчилар ўзига тегишли бўлмаган барча юмушдан озод этилди. Уларнинг олдида фақат ёш авлоднинг етуқ ва қонил инсон қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилди. Шу тариқа биз жамият ривожининг таянч нуқтасини топдик, бу таълим тизимидир! Педагоглар меҳнатининг қадрланиши, эъзозланиши, ижтимоий ҳимояга олингани бунинг исботи десак, хато қилмаган бўламиз.

Мақтаб ўқитувчиларининг ойлиги 3-4, олий таълим профессор-ўқитувчиларининг ойлиги 4-5 баравар кўпайтирилди. Давлат ОТМ профессори 2017 йилда 2,5 миллион сўм маош олган бўлса, 2025 йил 1 сентябрдан ўртача 14,5 миллион сўм ойлик олмоқда. Фаол педагогларга илмий даражаси учун бюджетдан 30-60 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда. Баъзи олий таълим ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан яна бошқа устамалар бермоқда.

Ўқитувчиларнинг жамиятда обрўси, ижтимоий макомини ошириш, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида янги таҳриратни Конституцияга алоҳида модда киритилди ҳамда Педагогнинг мақоми тўғрисидаги махсус қонун қабул қилинди. Барча вилоятларда иқтидорли болалар учун Президент мактаблари очилди, уларнинг битирувчилари дунёнинг энг кучли университетларига кириш учун грантларни қўлга киритмоқда. Хусусий таълим

ривожлантирилди, ҳозир 450 дан ортиқ хусусий мактаб ва 60 дан зиёд нодавлат олий таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Ҳа, бу йилги мустақиллик байрами баянлар, катта натижалар ва буюк мақсадлар тантанаси сифатида кенг нишонланади. Уларнинг таърифи ва тавсифини бир мақолага сифдирини мушкул. Энг муҳими, бунга ҳар биримиз ҳаётимиз, турмушимиз мисолида қўрғамиз. Биз ана шундай улкан имкониятларга тўла, қадримиз баян, қаддимиз тик даврда яшаймиз. Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришилган тарихий янгилишни жараёнининг ҳар бир йили катта ютуқлар, беқиёс ўзгаришлар билан кечаётгани барчамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди, албатта.

Ер азалдан даромад манбаи бўлган. Аммо бу ресурс тобора кискарди борапти. Қолаверса, ҳамма ҳам деҳқончиликни касб қилмайди, бироқ ҳовлидаги томорқасида маҳсулот етиштириш кўпчилигининг қўлидан келади...

Бунинг учун катта деҳқон ёки агроном бўлиш ҳам шарт эмас. Истак ва озгина ҳаракат бўлса кифоя. Қолганига томорқачилик корхоналари, агродабиркорлар, ихтисослашувни чуқурлаштиришга қаратилган "Агростар" корхоналари кўмаклашмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигидаги мазкур замонавий усул илмий атамдада кооперация, халқ тилида эса томорқачиликни ривожлантириш бўйича ҳудудлар тажрибаси сифатида омаллашиб борапти. Кооперация сўзи ҳам айнан "ҳамкорлик", "биргаликда ишлаш" маъноларини англатади.

Бугун юртимизда 22 миллион тоннадан кўпроқ мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилётган бўлса, шунинг 70 фоизи аҳоли томорқаси ва қишлоқ ҳўжалиги ерларига тўғри келади.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 14 февралдаги тегишли фармони ҳамда қарори билан юртимизда илк бор "Uzagrostar holding" компанияси ташкил этилиб, унинг таъсисчилигида 21 туманда ихтисослаштирилган "Агростар" корхоналари иш бошлади.

Бу борада "Агростар" корхоналари бевосита томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермерлар билан кооперация асосидаги ҳамкорликда ишлайди. Уларга туپроқ таҳлилдан тортиб, юқори қийматли бозорларни топиш ва аҳоли томорқасида етиштирилган маҳсулотларни ягона миллий бренд остида экспорт қилишга қўмаклашади.

Холдинг таркибидagi корхоналарнинг ҳар бири муайян қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини



қишлоқ ҳўжалигидаги ишлаб чиқариш занжирининг тарқоқлиги билан боғлиқ бўлишнинг тўлдириётгани тасвирланади. Корхоналар сифатли маҳсулот етиштиришга қўлай, уларни сақлаш, саралаш, қадоқлаш ва ташқи бозорга чиқариш узлуқсизлигини ҳам таъминламоқда.

Бугун юртимизда 22 миллион тоннадан кўпроқ мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилётган бўлса, шунинг 70 фоизи аҳоли томорқаси ва қишлоқ ҳўжалиги ерларига тўғри келади.

Саноатлашаётган агротармоқ

ҚУВА ТАЖРИБАСИ

10 СОТИХ ЕРДАН 250 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ДАРОМАД ОЛИШ МУМКИН

Етказиб берувчи ҳам, сотиб олувчи ҳам аниқ

Водийнинг машҳур туманларидан бирида жойлашган "Quva — Agro Star" МЧЖ корхонаси анор, гилос, шафтоли каби меваларни етиштиришда янгича ёндашувларни йўлга қўйган. Бироқ фаолияти бу билан чекланмайди.

Корхонанинг катта-катта ер майдонларида интенсив гилос, шафтоли ҳамда бошқа мевали дарахтзорлар ташкил этилган. Улар томчилик таъминоти тизимига асосланган. Бу боғлардаги меваларга қараб, замонавий усулда етиштирилётгани пайкаш қийин эмас.

Аммо маҳсулотларнинг асосий қисми аҳоли томорқасида етиштирилади. Корхона туманининг 33 маҳалласидаги 3000 та хонадон ва

маҳаллалар бор. "Агростар" корхонаси улардаги хонадонларга гилос, шафтоли каби мевали дарахтлар, гул навлари пайвандтагини етказиб беради. Бу пайвандтаглар корхонанинг "ин-витро" лабораториясида замонавий усул ҳамда махсус шароитда тайёрланади.

— Хонадонларда кўчат кооперация шартномаси асосида етиштирилади, — дейди "Quva — Agro Star" МЧЖ директори ўринбосари Жаҳонгир Ёқубов. — Бунда биз аҳолига сифатли навадга пайвандтаг етказиб берамиз. Одамлар эса ундан ўз томорқасида икки йил давомида кўчат тайёрлайди. Ушбу кўчатларни келишилган нархда сотиб оламиз. Пайвандтаг харажати чегириб ташланганда ҳам хонадон эгалари кўчатдан бир неча баробар кўн даромад қўриши мумкин.

Тайёр кўчатлар эса томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқон ҳўжаликларига маҳсулот етиштириш ҳамда боғ барпо этиш учун етказиб берилади. Бу жараён ҳам бевосита корхона шитириқидида бажарилиб, кўчати хариб қилган хонадонлардан етиштирилган маҳсулотларини ўзимиз сотиб оламиз ёки экспортга йўналтиришга қўмаклашамиз.

Сифатли ва экспортбон маҳсулот етиштиришнинг асосий механизми корхона зиммасига олади. Аҳоли эса экинларни томорқасида парваришлаб, тайёр ҳолатда келтириб бериши керак. Бунинг яхши жиҳати шуки, одамларни кўчатнинг сифатсизлиги, агротехник тадбирлар билан боғлиқ тажрибасизлик ва энг асосийси, тайёр маҳсулотни сотиш муаммоси безовта қилмайди.

Бугун Ўзбекистон, Турк, Қақир маҳаллалари гулчиликка ихтисослашган. Аксарият хонадонларда гул кўчати тайёрланади. "Агростар" бу йўналишда ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Сифатли гул кўчатларини етиштириш бўйича талабдорларга бўлиб тўлаш ёки имтиёзли кредит шартлари асосида микроқимдли иссиқхоналар қуриб бериляпти.

Хозир кўчат етиштиришда пешқадам хонадонлар сони анча кўпайган. Шу боис, Қува тажрибаси туманининг ўзидан ташқари бошқа ҳудудларда ҳам кенг ёйилиб бормоқда. Жараён давомида одамларга кичик ер майдонидан кўпроқ даромад олиш амалиёти



ўргатилляпти. "Агростар" корхоналарининг ўзига хос жиҳати ҳам шунда — улар танлаб олинган ҳудудларда аҳолини ўз томорқасида белгиланган турдаги маҳсулотни етиштиришга жалб қилиш билан чекланмай, одамларни шу йўналишда ўқитиб, тажрибали ҳудудлар, хонадонлар амалиёти билан таништириб боради.

"Uzagrostar holding" компаниясига бириктирилган тижорат банклари эса талабдорларга молиявий масалаларда кўмак беради. "Агростар" корхоналари олдинга қўйилаётган асосий вазифалардан бири ҳам шу — аҳолига уруғ танлаш, агротехник тадбирларни тўғри бажариш, сифатли оқил оғиш, маҳсулотни бозор талабига мос ҳолда тайёрлаш ва экспорт стандартларига мувофиқ қадоқлаш бўйича амалий кўнмақалар беришга қаратилган.

Бунинг учун янги агрокомплекс лойиҳаси амалга оширилди. Қува тумани "Турк" МФЙдаги 3,5 гектар майдонда йирик ва замонавий мажмуа қурилади. Унда катта ҳажмдаги совитчилик омбор мавжуд. Меваларни саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш линиялари ишга туширилган. Агрокомплекс бир вақтинчи ўзида 15 экспортёрга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Корхона лойиҳаларни кенгайтиришда давом этмоқда. Қисқа муддатда Қува тажрибасини йўлга қўйган ушбу ҳудуд нафақат туман, балки юртимизда интенсив боғлар барпо этиш, маҳсулот етиштиришдан ишлаб чиқаришга бўлган занжирни фаоллаштириш, жаҳон бозорига миллий брендларни таништиришда етакчилардан бирига айланган.

Олдинда эса кўзланган режалар кўп. Агрокорхона кооперация усулидаги лойиҳаларни кўпайтириш, аҳоли томорқасида сифатли, экспортбон маҳсулотлар етиштириш орқали ҳам ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ҳам одамларни даромадли қилишда давом этади.

Барча хизмат — бир манзилда

Фаргона вилояти азалдан сара мевалари билан ном чиқарган. Водийнинг узум ва аноридagi таъмини бошқа жойдан топиш қийин. Уларнинг тилини ерадиган шираси ҳоржда

ҳам машҳур. Бу меваларни қайта ишлаб олинган тайёр маҳсулот эса янада хариддорларга. "Quva — Agro Star" корхонасининг замонавий ишлаб чиқариш тармоқларида водийда пишиб етилган энг сара мевалар қайта ишланади. Жумладан, қуртилган мева ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Узум майизга, ўриклар туршакка айлантирилганида ҳам таъмини сақлаб қолади. Чунки бу энг илғор усул ва технологиялар орқали бажарилади.

Қадоқланган тайёр маҳсулотлар эса хориж бозорига ўзимизнинг миллий бренд — "Dehkan" номи остида экспорт қилинмоқда. — Маҳсулотларимиз Global GAP, ISO 22000, Halal ҳамда HACCP каби халқаро сертификатларга эга бўлиб, бу жаҳон майдонига миллий брендинизга ишонч ва қизиқшини янада оширади, — дейди Жаҳонгир Ёқубов. — Йилдан йилга экспорт географиямиз кенгайиб бормоқда. Ўтган йили илк бор Япония ва Жанубий Корея каби талабчан бозорларга авиатранспорт орқали маҳсулот экспорт қилдик. Чет давлатларда анор, гилос, қуртилган мевамизга талаб катта. Бу йўналишда ҳозир бозорда рақобат кучли экани ҳам бор гап. Биз маҳсулотларимиз замонавий усулда қайта ишлаб, қадоқлаш баробарида асл таъми ва юқори сифатини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Бу харидорларимизга ҳам маъқул. Жорий йил учун кўпбал экспорт шартномалари имзолаганмиз. Йил давомида ташқи бозорга 25 миллион долларлик маҳсулот етказиб бериш режалаштирилган.

Бу режа нафақат корхонанинг ўзиде, балки аҳоли томорқасида, деҳқон ва фермер ҳўжаликларига етиштирилётган маҳсулотлар ҳисобига бажарилади. Корхона вилоятнинг Қува ва Кувасой туманларидаги 12 минг гектар боққа хизмат кўрсатиш орқали меваларни етиштиришдан тортиб, уларга харидор

топиш ва экспорт қилишга қўмаклашади. Маҳсулотлар патентланиб, қайта ишланади ва миллий бреннда қадоқланади. Қолаверса, "Агростар" ўз маҳсулотларини сотишга қийналаётган аҳоли хонадонлари билан ҳам ишляпти. Томорқаларда етиштирилётган маҳсулотларни саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сифатли тайёр маҳсулотга айлантириш орқали сотиш ва харидор топиш хизматларини кўрсатамоқда.

Бунинг учун янги агрокомплекс лойиҳаси амалга оширилди. Қува тумани "Турк" МФЙдаги 3,5 гектар майдонда йирик ва замонавий мажмуа қурилади. Унда катта ҳажмдаги совитчилик омбор мавжуд. Меваларни саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш линиялари ишга туширилган. Агрокомплекс бир вақтинчи ўзиде 15 экспортёрга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Корхона лойиҳаларни кенгайтиришда давом этмоқда. Қисқа муддатда Қува тажрибасини йўлга қўйган ушбу ҳудуд нафақат туман, балки юртимизда интенсив боғлар барпо этиш, маҳсулот етиштиришдан ишлаб чиқаришга бўлган занжирни фаоллаштириш, жаҳон бозорига миллий брендларни таништиришда етакчилардан бирига айланган.

Олдинда эса кўзланган режалар кўп. Агрокорхона кооперация усулидаги лойиҳаларни кўпайтириш, аҳоли томорқасида сифатли, экспортбон маҳсулотлар етиштириш орқали ҳам ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ҳам одамларни даромадли қилишда давом этади.

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

БАЛИҚЧИЛИК: БАНДЛИК, ИҚТИСОДИЁТ, ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ

Навоий вилоятида балиқчилик тобора оммавийлашиб бормоқда. Президентимизнинг 2022 йил 13 январдаги "Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига белгиланган вазифалар ижроси доирасида вилоятда балиқ маҳсулотлари турлари кўпайтирилмоқда ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Мавжуд сув ҳавзалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда балиқчилик ҳўжаликлари йўналиши мустаҳкамлаш йўлида тизимли ишлар қилинмоқда.



Бунда сув ва озиқ нозоратини, яъни балиқлар соғлом ўсиши учун сув тозаллиги ва озуқа сифатини назардан четда қолдирмаслик керак. Навоийлик тадбиркорлар мана шундай пухта режа ва эътибор билан фаолиятини ривожлантириб, кўзланган маҳсулотни олишга эришляпти.

Интенсив технология

Бунда сув ва озиқ нозоратини, яъни балиқлар соғлом ўсиши учун сув тозаллиги ва озуқа сифатини назардан четда қолдирмаслик керак. Навоийлик тадбиркорлар мана шундай пухта режа ва эътибор билан фаолиятини ривожлантириб, кўзланган маҳсулотни олишга эришляпти.



бошқа лойиҳаларни ҳам амалга оширишни режалаштирмоқчимиз. Бунинг учун барча имкониятлар бор.

Навбахор туманида ҳам 80 та ҳўжалик юртыч субъект балиқчилик фаолияти билан шуғулланади. Шундан 72 та балиқчилик ҳўжалигида умумий 857 гектар майдонда сунъий ҳузувлар ташкил этилган. Айни пайтда 16 та балиқчилик ҳўжалигида 394 гектар майдонда интенсив технологиялар жорий қилинган.

Туманда балиқчилик соҳаси босқичма-босқич интенсивлашиб бормоқда. Ўтган йили 250 гектар майдон, жорий йилда 400 гектарга яқин балиқхона интенсив усулга ўтказилди. Шунингдек, 6 та балиқчилик ҳўжалигида қуёш панеллари ўрнатилган, улар

тонналик биринчи лойиҳа 2025 йилда ишга туширилади. Қиймати 7 миллион долларлик, ишлаб чиқариш қуввати 18 минг тонна бўлган иккинчи лойиҳа ишга туширилиш арафасида. Хозир 30 нафар маҳаллий аҳоли иш билан банд. Иккинчи лойиҳа ҳам ишга тушган, улар сони 60 нафарга етади. Туманда жами 1065 гектар балиқчилик сув ҳавзалари мавжудлиги, бир кунлик балиқ емига талаб 3,5, йиллик талаб эса 2500 тоннадир.

Бу ҳозирча Ўзбекистондаги энг йирик балиқ еми ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади.

Вилоятда тармоқни ривожлантириш борасида жорий йилги режалар кўлами ҳам катта. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастури доирасида Кармана туманида 4 та, Конимех туманида 2 та, Навбахор туманида 5 та, Учқудуқ туманида 1 та, жами 12 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган.

— Интенсив балиқхона самарадорлиги 10 баробар кўп, — дейди тадбиркор Маъруфжон Каримов. — Куёш панеллари ўрнатганимиздан кейин 50 фоз электр энергияси тежалляпти. Ортиб қолган электр энергияни сотиб, ундан фойда ҳам оляптим. Балиқчиликнинг ўзига хос машаққатлари бор. Балиқларни ҳар хил касалликлардан асраш, тўғри озиклантириш, вақтида сувини алмаштириш лозим. Ҳозир 1 гектар сув ҳавзасида йилга 30 тоннагача балиқ етиштирилади. Ушбу йўналишда янги лойиҳаларимиз бор ва босқичма-босқич амалга ошириб борамиз.

Балиқчилик соҳаси Навоий вилоятида иш ўрни, иқтисодиёт, экспорт, инвестиция сифатида ривожлантириб борапти. Ушбу сардорлар тармоқ навоийлик тадбиркорлар учун янги имкониятлар зийгини очмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Соҳибжамол ЖУМАЕВА, Марказий банкнинг гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Осиё хотин-қизларнинг Самарқандда 2023 йилда ўтказилган биринчи форуми ўзига хос таърибга бўлди. У минтақа аёлларининг умумий муаммолари, мустақил ечим излашдаги умумий иштиқоқлари ва ҳамкорликка тайёрликларини исботлади. Форумда Шарқий Осиё, Жануби-шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари бирлашиб, умумий платформа яратди. Бу майдон халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Иккинчи форум эса биринчисининг мантйқий давоми ва янги босқичи. Бу сафар мулоқот майдони доимий платформага айлантирилиши йўлида муҳим қадам қўйилди. Бухоро форуми доирасида кун тартибига чиқарилган масалалар кўламини эътибор қаратсак, гендер тафовутини бартараф этишнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий, молиявий ва технологик жиҳатлари кенг муҳокама этилганини кўраимиз.

Форумда парламент делегациялари аъзолари, ҳукумат раҳбарлари, БМТ ва унинг иттиҳодлашган муассасалари, ишбилармон аёллар, олимлар, ижтимоий соҳа фаоллари иштирок этди. Бундай кенг вакиллик форумининг нафақат расмий, балки ҳақиқий ижтимоий мулоқот майдони эканини тасдиқлайди. Анжуманининг асосий мавзулари аёлларнинг фарм, таълим ва инновация фаолиятдаги иштироки, рақамли технологиялардан фойдаланиши, иқтисодий имкониятларини кенгайтириш орқали камбағалликни камайтириш, тадбиркорлик, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ўрни фақатгина ижтимоий масала эмас, балки иқтисодий стратегиянинг ажралмас қисми эканидир.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева форум муҳокамаларида иштирок этиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва

эркинликлари, манфаатларини таъминлаш янги Ўзбекистон ислохотларининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади. Аёлга эътибор, аввало, инсон шахсига, қадрига юксак эҳтирмининг олий намунаси. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустақамлаш фақат сиёсий вазифа эмас, балки эркин ва фаровон жамият барпо этиш йўлидаги изчил демократик янгиланишларнинг ажралмас қисми саналади.



Таҳлил



ГЕНДЕР СИЁСАТИ: РАҚАМЛАР ОРТИДА РЕАЛ ИШЛАР САМАРАСИ ТУРИБДИ

2017 йил — Ўзбекистон учун янги тарихнинг бошланиши. Мамлакатимизда кенг кўламли ислохотларга йўл очилди. Бу ислохотларнинг маркази инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва тараққиёт учун тенг имкониятлардир. Ана шу умумий сиёсий иродатдан хотин-қизларга оид ислохотлар ҳам куч олди.

2018 йилдан 2025 йилгача, атғи саккиз йил ичида юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган 110 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳуқуқий база молиявий ислохотлар, иқтисодий ўзгаришлар ва ижтимоий трансформациянинг юридик пойдеворидир.

Конституциянинг 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрири бу жараёнда муҳим эволюцион қадам бўлди. Конституция аёллар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг институционал қоплоқларини мустақамлади. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида эса хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ривожланишнинг устувор йўналишлари қаторига киритилди.

Фақат қонулар эмас, амалий натижалар ҳам кўзга ташланади. Ўзбекистон "Аёллар, бизнес ва қонун" (WBL) халқаро индексида 2019 йилдаги 134-ўриндан 2026 йилда 48-ўринга кўтарилди. Бу 86 поғоналик сакраш дегани. Дунё тарихида жуда қисқа муддатда бунчалик катта ютуқни намоён қилган мамлакатлар сони жуда кам.

Жаҳон банкнинг "Аёллар, бизнес ва қонун" индекси тўрт жиҳатни, яъни мобиллик, иш, никоҳ ва мулк ҳуқуқларини баҳолайди. Ўзбекистоннинг бу рейтингда кескин кўтарилиши нафақат қонун-қондалар ислоҳ қилинганлиги, балки аёлларнинг реал иқтисодий имкониятлари кенгайганини кўрсатади.

2023-2025 йиллар давомида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий фаолиги кескин ўзгарди. Жами банд хотин-қизлар сони 6,4 миллион нафарга, 2023 йилдагидан 10,3 фоиз ошди. Ишсизлик даражаси 10,4 фоиздан 6,5

фоизга тушди. Бу яратилган имониятларнинг реал самараси ифодасидир. Айниқса, ҳар йили 400 мингдан ортиқ хотин-қизнинг янги иш жойига эга бўлиши миллионлаб оилаларда даромад ва ҳаёт сифати яхшиланиши демакдир.

Халқаро валюта жамғармасининг 2026 йилги IV модда миссияси ҳулосаси Ўзбекистон иқтисодий ўсишини "барқарор" деб баҳолади. Аммо ХВЖ айни пайтда аёлларнинг меҳнат бозорига иштирок этиши паслиги ва норасмий бандлик юқорилиги иқтисодий ўсиш салоҳиятини чеклаётганини ҳам қайд этди. Бу очиқ огоҳлантириш ва бир вақтнинг ўзида имкониятдир. Чунки гендер тафовутни

механизм орқали ишламоқда. Биринчиси, имтиёзли кредитлаш. 2026 йил 1 январдан хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун Марказий банк асосий ставкасига +10 фоиз пунктдан иборат 24 фоиз ставкада 10,3 миллиард сўмгача кредит ажратиши белгиланган. Бу кичик бизнесдаги оддий кредит ставкасидан 2 фоиз пунктга паст, яъни хотин-қизлар учун аниқ молиявий имтиёздир.

Иккинчи механизм — "Hamroh" дастури. 2026-2027 йилларда 6000 хотин-қизнинг тадбиркорлик лойиҳасини молиявий қўллаб-қувватлашга 2 триллион сўм йўналтирилади. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини Марказий банк асосий ставкасида 7 йил муддатга ажратади. Бу дастурнинг аҳамиятини янада тушунарли қилиш учун куйидагиларни айтиш кифоя: 7 йиллик муддат хотин-қизга ўз бизнесини барпо этиш, ривожлантириш ва даромад олишга реал вақт беради.

Аёл тадбиркорлар учун кредит нафақат пул, балки имоният, мустақиллик ва ўзига ишончинг рамзи. Бу рамзини реалликка айлантириш учун молия тизими мустақам асос вазифасини ўташи керак.

ҳунарга ўқитилган хотин-қизлар сони 232 минг 923 нафар бўлган эди. 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 366 минг 551 нафарга етди, яъни 57 фоиз ошди. Тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаган хотин-қизлар сони эса 334 минг нафар бўлди.

Умумтаълим мактабларида касб-ҳунар ўқитишнинг 400 та мактабда жорий этилиши ва ўқувчи қизлар нисбатининг 59 фоиз ошиши — ижтимоий инвестиция. Бу сармоянинг молиявий тизим учун ижобий самараси 5-7 йил ичида кўринади. Бугун мактабда касб-ҳунар ўрганаётган 15 яшар қиз эртага иш жойи яратувчи, солиқ тўловчи ва банк мижози демакдир.

Гендер тенглик фақатгина иқтисодий масала эмас. У давлат бошқарувида, сиёсий қарорлар қабул қилишда аёлларнинг реал иштирокини ҳам тақозо этади. Юртимизда бу борада кўрсаткичлар тарихий жиҳатдан ниҳоятда катта ўзгаришларни намоён қилмоқда.

Парламентларо Иттифоқ (IPU) рейтингига 128-ўриндан 35-ўринга кўтарилиш дунёда жуда кам мамлакатта намоён этган сакрашдир. 193 давлат орасида 93 поғоналик юксалиш фақат сиёсий ирода эмас, тизимли ислохотларнинг меваси. Бу натижа Ўзбекистонга нафақат рейтинг бермоқда, балки халқаро инвесторлар ва ривожланиш молияси институтлари учун мамлакатимизнинг жозибадорлигини ошираётган реал ишоратдир.

"Гендер тенглик ва бошқарув" индексида эса Ўзбекистон 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди. Бу кўрсаткичлар ESG мезонларига мос давлат сифатида Ўзбекистон имижини мустақамлайди. Бу эса хорижий инвестиция жалб этишда тўбора муҳим омилга айланиб бормоқда.

Ижро ҳокимияти тизимида раҳбар аёллар сафи кенгайиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштироки ортиси давлат томонидан қарорлар қабул қилинишида инклюзивлиқни таъминламоқда. Маҳаллий кенгашларда аёллар 38 фоизни ташкил этиши маҳалла, туман ва вилоят кўламидаги қарорлар аёлларнинг реал манфаатлари ва ҳаёт таърибаси асосида шаклланимоқда дегани.

Президентимиз мурожаатида ишбилармон аёллар имкониятларини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ўргатувчи, янги стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи платформа ташкил этиш тақдирини илгари сурилди. Бу ташаббус амалий характерга эга. Зеро, стартап нафақат иш жойи яратиш, балки инновация, экспорт салоҳияти ва иқтисодий ўсиш манбаидир.

Рақамли бизнес хотин-қизлар учун айниқса қўлай, чунки у маҳаллий ёки хорижий бозорга мобиллик чекловларини қисқартади йўл очди. Интернет дўкон, онлайн хизматлар, филанс ишлар, рақамли маҳсулотлар Хоразмдаги ёки Қашқадарёдаги аёлга ҳам Тошкентдагидек глобал бозорга кириш имконини беради.

Осиё хотин-қизлари форуми — мамлакатимиз ютуқларини намоён этиш майдони. Бу минтақа мамлакатлари таърибларини ўзаро алмашиш, умумий муаммоларга ечимлар излаш ва ҳамкорлик учун янги йўлларни очиш платформасидир.

Ўзбекистоннинг гендер ислохотлари тарихи рақамлар тилида ниҳоятда жозибали. Аммо ҳар бир мақсадли кўрсаткичнинг ортида реал ишлар, реал ислохотлар ва реал инсонлар мавжуд.

Биз учун форум рамзий, зеро, мамлакатимиз охириги ўн йилда гендер тенглик йўлида жаҳонда кам мамлакатга насиб этган ютуқларни кўлга киритди. Халқаро индекс ва рейтинглардаги юксалиш миллионлаб аёлларнинг ҳаёти яхши томонга ўзгаришининг ифодаси десак, ўринли.

Мулоҳаза



Мафтунга ТУРСУНОВА, Ренессанс университети ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Етакчи технологик марказлар бу жараёни янги санаот инқилоби деб баҳолайди. Халқаро таҳлилларда сунъий интеллект XXI аср иқтисодиётининг асосий драйверларидан бири сифатида тилга олинмоқда. Жаҳон университетлари, йирик корпорациялар ва давлат бошқаруви тизимлари учун ушбу технологиялар аллақачон стратегик устуникли манбаига айланган. Шу боис, бугунги глобал рақобатда интеллектуал технологияларни тез ўзлаштира олган давлатлар иқтисодий ва илмий устуниклини кўлга киритмоқда. Мутахассисларнинг қайд этишича, яқин йилларда сунъий интеллект миллиардлаб долларлик янги бозорларни шакллантиради, меҳнат муносабатларини янгилайди ва бутун бошқарув тизимларига таъсир кўрсатади.

Хусусан, сунъий интеллект тиббиёт, таълим, молия, логистика, қишлоқ ҳўжалиги, санаот ва медиа каби кўплаб йўналишларда чуқур қўлла-нади. Тиббиётда AI тизимлар рентген ва MRT тасвирларини таҳлил қилиб, касалликларни эрта аниқлашга ёрдам бермоқда. Молиявий платформалар хавфларни прогноزلаяпти. Қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорликни сунъий йўлдош

КРЕАТИВ ВА МОСЛАШУВЧАН ТАФАККУР: ТАЪЛИМДА СУНЪИЙ ИДРОК КОНЦЕПЦИЯСИ

Дунё улкан бурилиш палласида. Ўн йиллар аввал илмий лабораториялар доирасидагина тилга олинган, оддий инсон учун ақл бовар қилмайдиган сунъий интеллект технологиялари ҳаётимизни мутлақо янги ўзанга буриб юборди. Кундалик турмушимизнинг энг оддий жараёнларига қадар кириб борди. Баъзан сезмаймиш ҳам, масалан, тонда гаджетимиздаги хабарлар тартибланиши, навигаторнинг тирбандликни ҳисобга олиб йўл тавсия қилиши ёки интернет платформаларининг қизиқишларга мос ахборотларни тақдим этиши ортида мураккаб алгоритмлар ва интеллектуал тизимлар ишламоқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

маълумотлари асосида ҳисоблаш технологиялари кенгайган. Таълим соҳасида эса индивидуал ўқув траекторияларини шакллантириш, бил-лимларни таҳлил қилиш ва масофавий ўқитиш имкониятларини оширувчи интеллектуал платформалар жadal ривожланмоқда. Мазкур жараён, ўз навбатида, билим олиш ва иш фаолияти ҳақидаги тасавурларни тубдан ўзгариштирди.

Ўзбекистонда ҳам рақамли трансформация давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган йилгиш ва видеоселекторларда сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт ва таълим тизимида кенг жорий этиш масаласига алоҳида уруғ берилётгани бежиз

эмас. Негаки ёшларни дастурлаш, замонавий AI йўналишлар ва инновация фикрлашга жалб қилиш бўйича илгари сурилатган ташаббуслар мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси билан чамбарчас боғлиқ. Бугун ваганимизда шу йўналишда парклар, рақамли технологиялар марказлари, стартап экотизимлар ва замонавий ўқув платформаларига қартилаётган эътибор айнан шу эътиёб ҳисобланади.

Замонавий дунё таълимга бўйлашши учун шундай технологияларни бошқара оладиган, улардан самарали фойдалана биладиган ва янги голлар яратадиган авлод зарур. Шу сабабли мамлакатимиз олий таълим тизими олинда мутлақо янги вазифалар пайдо бўлди. Боиси,

рақамли таълим платформаларига қартилаётган эътибор мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиясининг муҳим узвий қисмидир. Жумладан, ёшларни дастурлаш, робототехника ва AI йўналишларга жалб қилиш бўйича янги лойиҳалар ишга туширилди. Университетларда халқаро AT компаниялар билан ҳамкорликдаги лабораториялар ташкил этилмоқда. Бу жараён мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустақамлаш ва глобал технологик мақолада рақобатбардор ҳақлар тайёрлаш мақсадида хизмат қилиши шубҳасиз.

Дунё меҳнат бозори ҳақидаги сунъий таҳлилларда яқин ўн йилликда миллионлаб иш ўринларини трансформацияга учраши прогноз қилинган. Механик тусдаги, доимий такрорлан- бил турадиган вазифаларнинг сезиларли қисми автоматлаштирилди. Шу билан бирга, янги му- тахассислар, бизнес моделлари ва мутлақо янги- ча компетенциялар таркиб топади. Халқаро компаниялар бугуннинг ўзида сунъий интел- лект билан ишлаш кўникмасига эга ходимлар- ни фаол изламоқда. Ушбу талаб фақат AI соҳа билан боғлиқ эмас. Тиббиёт, ҳуқуқ, маркетинг, журналистика, иқтисодиёт, логистика, дизайн, филология ва санаот йўналишларида ҳам AI во- ситалардан фойдаланиш одатий профессионал талабга айланган.

Хўш, шундай экан, ҳақиқ хавотир туғилди: сунъий интеллект тез орада барча ишларимизни биздан тортиб оладики? Йўқ, Мутахассислар фикрича, келажикда инсоннинг асосий усту- нлиги техник билимнинг ўзида эмас, креатив ва мослашувчан тафаккурда намоён бўлади. Сунъий интеллект улкан ҳажмдаги маълумот- ларни қайта ишлаши мумкин, бироқ мураккаб ижтимоий вазиятларни ҳис қилиш, маданий контекстини англаш, ноанъанавий ечим топиш ва инсоний мулоқотнинг нозик жиҳатларини бош- қариш каби хусусиятлар ҳануз инсон тафаккури билан чамбарчас боғлиқ ҳамда унгагина таъна- ди. Шу боис, энди университетлар ва таълим

тизимлари ёшларни фақат касбга тайёрлаш билан қиёяланиб қолмаслиги лозим. Уларда таҳ- лилий фикрлаш, креатив ёндашув, маълумотлар билан ишлаш маданияти ва мураккаб техноло- гик муҳитда қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Ёш авлод учун алгоритмик тафаккур ту- шунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Бу фақат дастурлашни билиш дегани эмас. Масалага тизимли ёндашиш, катта ҳажмдаги ахборотни саралаш, мантйқий боғлиқликларни кўра олиш ва технологик воситалардан самарали фойда- ланиш қобилияти ҳам замонавий касбий мада- ниятнинг бир қисми. Шу билан бирга, коммуни- қация, жамоа билан ишлаш ва ташаббускорлик сингари инсоний компетенциялар қиймати орт- моқда. Чунки келажик иш муҳитида инсон ва сунъий интеллект ўртасидаги ҳамкорлик моде- ли устувор бўлиши кутуляпти.

Дунёнинг кўплаб университетлари ва ил- мий марказлари ҳозирданок "AI билан бирга ишлаш" концепциясини таълим дастурларига киритган. Талабаларга генератив платформалардан фойдаланиш маданияти, маълумотлар- ни текшириш усуллари ва интеллектуал хавф- сизлик масалалари ўргатилади. Сабаби, айрим экспертлар келажикдаги энг катта тафовут техно- логияга эга давлатлар билан эга бўлмаганлар ўртасида эмас, ундан самарали фойдалана ола- диган жамиятлар билан фойдалана олмайдиган- лар ўртасида юзага келишини таъкидламоқда.

Бугун дунёда AI имкониятлари ҳақида ҳай- рат билан гапирилмоқда. Йирик компаниялар ва университетлар янги платформаларни ишлаб чиқиш пойгаасига кирган, миллионлаб инсонлар эса бу технологияни кундалик ҳаётининг бир қисмига айлантириб улгурган. Айни бир чоғда мутахассислар сунъий интеллектдан фойдала- ниш маданияти, ахборот хавфсизлиги ва инсон тафаккурининг мустақиллигини сақлаб қолиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратган. Шу маънода, мамлакатимизда юртилаётган рақамли трансформация сиёсати айнан инсон ка- питалини мустақамлаш гоёси билан чамбарчас боғлиқ. Сунъий йилларда эришилган AI соҳага қизиқиши кескин ортди, замонавий технологик платформалар кенгайиб, аёллар ҳамкорлик дасту- рлари сони кўпаймоқда. Муҳими, бу жараён юртимизнинг глобал технологик майдондаги ўр-нини мустақамлаш билан бирга янги тафаккур муҳитини шакллантиришга ҳам хизмат қилиши дардор.

Ўзбекистон деб аталмиш қутлуг заминга, ўзбек номли буюк халқнинг ҳаётига хуш келдинг, Уйғониш фасли! Бизни кўп қуттирмай, соғинтирмай келганинга шукр! Сенинг соянгни эмас, ўзингни — айнан уйғонишдек бебаҳо лаҳзаларни кутаётган эдик...

Жуда яхши эсимда. Юрт мустақиллиги бизга озодлик, эркинлик, тўқинлик олиб келди деб ишонган эдик. Афсуски, бу қувонч узоққа чўзилмади. Гоҳ занжирланган эшиклар, гоҳ қалин панжаралар билан ўралган чегаралар ичида кўркүв ва ҳадик билан яшай бошладик. Орамизда яна шўро замонидаги бир-бирининг қадами пойлаш, оғзини хидлаш иллатлари болаб кетди. "Ок" ва "қора" рўйхатлар пайдо бўлиши билан қатагон даврини эслатадиган оғир кунлар бошланди.



Ашуралӣ ЖўРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим "Янги Ўзбекистон" газетасида чоп этилган "Риёсиз сўзлар" мақоласида жасорат ва виждон амри билан ёзганидек: "У-бу жойларда бўлган ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фирибгарлар босди. Бу иллатларга қарши курашини зарур бўлган ташкилотлар эса давлат ичида давлат тузилди. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди. Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Ҳўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўладилар ва уларни янада янги "погона"ларга кўтардилар".

Мақолада рўй-рост ёзилган бу оғир ва қора кунларнинг орта қолгани чин бўлсин. Эслайверсанг, юрагинг эзилиб, қалбинг тираб кетади.

Халқимизда "Ойнинг ўн беши қоронги, ўн беши ёруғ" деган ҳикмат бор. Энди "Риёсиз сўзлар" мақоласидаги "Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганипти!" деган жумлага эътибор қаратайлик. Бу сўзларни шоир мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида ёзипти.

Муаллиф ўзи қўйган саволга ўзи бундай жавоб беради: "Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатта келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!". Ҳақиқатан, Президентимиз фидойи ва жасур ислохотчи сифатида халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантирди. Бутун ана шу ислохотлар барча соҳада ўзини ёрқин намоян қилмоқда.

Айни янгилинишлар туфайли халқимиз ҳаётида ва дунёқарашда маънавий-маърифий, илмий-амалий уйғониш фасли бошланди... Янги гоялар, янги фикрлар туфайли ислохотлар жараёни изчиллик билан юксак поғоналарга кўтарилиб бораётган. Она Ватан деб уйғониш — буюк бахт! Ватаннинг нури келажакни, тараққиётни учун бирлашмиш эса кечисиз гўрур ва қувонч!

"Уйғониш" шу қадар жозибдор, мўътабар сўзки, уни ҳар қанча юракдан жўшиб, жўр бўлиб, кўлни кўлга бериб, елкан елгага тираб, гўрур билан балаңд овозларда ҳайқириб айтсак, ярашади. "Уйғониш" сўзини эшитсам ёки ўқисам, буюк шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Уйғониш замонинг" шеърларидаги ушбу қуйма сатрлар дилимдан тилимга кўчаверади:

*Кўчар дараёларинг қайтадан оқсин,
Ҳали эримасан қорларинг бордир.*



УЙҒОНИШ ФАСЛИ

Эссе

Ўзбекистон дунёга юз очди. Дунё эса шундай бебаҳо ва саҳий юрт, бағрикенг, самимий ва тинчликсевар халқ борлигини қайта кашф этиб, унинг бағрига интилмоқда. Бу табаррук тупроқни бир кўриб, тавоф этишга меҳр билан ошиқмоқда.

Сен санъат ўлкаси, шеър диёрисан,
Қанча чертилмаган торларинг бордир.
Уйғониш замонинг муборак бўлсин,
Азалги шиддатинг, орларинг бордир...
Ватаним, сени бир бор кўрганлар яна кўргиси келиб, соғиниб қолиши чин. Яна сенга интилгани ҳақиқат. Сен дунёни мафтун этясан. Улуг шоиримиз Эркин



Бугун эса бир ҳақиқатни тан олайлик: бутун дунё ўзбекининг жасур футболчиси Абдуқодир Ҳусановга ишқибозлик қилиб, уни жаҳон юлдузига тенглаштираётгани гуруримизга гурур кўшмоқда. Биз бугун Абдуқодир Ҳусановдан фахрланиш ила уйғонмоқдамиз!

мазали эканини таърифлаб бўлмайди. Инсон учун шундай ажойиб, бетакор ва тенгсиз мўъжизаларга бой мамлакатда яшашнинг ўзи тенгсиз бахтдир!".

Агар улуг шоиримиз ҳаёт бўлганида, халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигини улкан ютуқлар билан нишонлаётганини, тарихий, маданий ва маърифий юксалишлар, миллий-руҳий уйғонишлар билан кутиб олаётганини кўриб, бениҳоя севинган бўлар эди.

Яхши эслаймиз: миллат уйғонишининг илк садолари 2016 йилда Шавкат Мирзиёевнинг ҳали Президентликка номзодлик пайтида сайловчилар билан ўтган илк учрашувида янги раё бўшлаган эди.

Давлатимиз раҳбари фаолиятида катта жасорат билан янги Ўзбекистонни бунёд этиш госясини дадил илгари сурди. Бу улугвор гоя туфайли ҳаётимизга янги тафаккур, янги шижоат, янги турмуш тарзи ҳамда ижодий куч-ғайрат шиддат билан кириб кела бошлади. Биргина "янги" сўзининг ўзи одамлар онгида, ҳаётида ўзгаришлар содир бўлишига туртки берди. "Янги" сўзи мўъжиза янглиг порлади.

Ўзбекистон дунёга юз очди. Дунё эса шундай бебаҳо ва саҳий юрт, бағрикенг, самимий ва тинчликсевар халқ борлигини қайта кашф этиб, унинг бағрига интилмоқда. Бу табаррук тупроқни бир кўриб, тавоф этишга меҳр билан ошиқмоқда.

Уйғониш фаслининг пойдевори мустаҳкам, қадамлари дадил, қанотлари эса бургутникидай шиддатлидир. У олис чўқиларни забт этишни ният қилган. Буюк ва эзгу ниятларинг ҳаммаша йўлдошинг бўлсин, уйғониш бургути! Сенинг шиддатли қанотларинг халқимизга ҳаммаша илҳом ва налож бағишласин!

Дунёнинг тараққий этган халқлари тарихидан маълумки, миллатнинг жаҳон саҳнасида ёрқин намоян бўлиши дастлаб тарихий, руҳий-маънавий уйғониш, миллий қадрият ва аъёнларни англаш билан бошланади. Сўнг тараққиёт билан ҳамдам бўлган илмий-амалий уйғониш ҳамда етук тафаккур орқали рўёбга чиқади.

Янги Ўзбекистон айнан мана шундай нури, порлоқ йўлдан дадил бормоқда. Она Ватанимизнинг кўркам ва бетакор тарихий масканларидан бири — Ислам цивилизацияси

марказининг бунёд этилиши миллат қалбига беқиёс маърифат ҳада этди.

Бутун Ислам цивилизацияси маркази нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёни, балки бутун дунёни ўзига мафтун этаётган бетакор маънавий-маърифий ва тарихий мажмуага айланди. Марказга келаётган зиёратчилар ва сайёҳларнинг кўзларидаги ҳайрат ва ҳажжони кўриб, қалбимизда гурур, ифтихор уйғонди.

Ислам цивилизацияси маркази салоҳияти билан бирга ўзимиз ҳам кучли миллат бўлиб уйғоняпти. Дунёни ҳам уйғотяпти. Олам аҳли ҳам бизни англапти, тушунапти, меҳр ва ишонч билан интиляпти. Биз ривожланган давлатлар билан бирга уйғоняптимиз, бирга тараққий этиляпти.

Янгидан барпо этилган Имом Бухорий мажмуаси ҳам маънавий-маърифий ва диний тафаккуримизнинг, исломий дунёқарашимизнинг уйғонишида бебаҳо маърифат масканига айланди. Бу табаррук қадимжони зиёрат қилишга юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг қадами узилмаяпти. Биз Имом Бухорий руҳияти билан уйғонмоқдамиз.

Қайси соҳани олманг, ҳар қадамда янги ислохотлар амалга ошаётганидан рози бўлиб яшайтган, уйғониш лаҳзаларидан баҳра олиб, завқу шавқ, куч-ғайратга тўлаётган, янги марраларни забт этаётган ғайратли, билимдон ёшларни кўриб, ҳайратланасиз.

Спорт соҳасини олайлик. Масалан, биз кўпроқ Пеле, Марadona сингари жаҳон футбол юлдузларига ишқибозлик қилиб келганмиз. Ҳатто биз, ишқибозлар гуруҳларга бўлиниб, ўзаро бахslashганмиз.

Бугун эса бир ҳақиқатни тан олайлик: бутун дунё ўзбекининг жасур футболчиси Абдуқодир Ҳусановга ишқибозлик қилиб, уни жаҳон юлдузига тенглаштираётгани гуруримизга гурур кўшмоқда. Биз бугун Абдуқодир Ҳусановдан фахрланиш ила уйғонмоқдамиз! Биз — дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Дияра Келдиёрованинг жасорати билан уйғонмоқдамиз! Бокс бўйича дунё тан олган мулқ чемпион Баҳодир Жалолиевнинг матонати билан уйғонмоқдамиз! Халқаро шахмат федерациясининг Номзодлар турнири ғолиби Жавоҳир Синдоровнинг тафаккури билан уйғонмоқдамиз.

Ҳозирги тарихий ислохотлар жараёнида минглаб билимдон, китобхон ҳамда соҳасининг фидойиси бўлган, нури келажакимиз бунёд бўлаётганига астойдил ишонган ҳаллоқ инсонларнинг ҳайрати ва шижоати билан уйғонмоқдамиз...

Бу уйғонишларимизнинг бош сабабчиси Президентимиз эканини фақат ўзбек халқи эмас, балки дунё кўриб, билиб турибди.

Илоҳим, янги Ўзбекистонимизнинг уйғониш фасли гуллаб-яшнасин, боқий бўлсин! Хуш келибсан, Уйғониш фасли!

ЗОМИН ТОҒЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ ДУНЁГА ТАРАЛМОҚДА

Зоминга келган ҳар бир меҳмон тезроқ табиат бағрига, тоғларга чиқишга шошилади. Сабаби, Зомин тоғлари ўзининг бетакор табиий ландшафти, биологик хилма-хиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бойлиги билан ажрлиб туради. Аслида, табиат билан танишиш туман марказидан бошланади. 182 миллиард сўм ҳисобига бунёд этилган "Зоминсой"да меҳмонлар ва сайёҳлар учун зарур инфратузилма яратилган. Умумий овқатланиш шохобчалари, кўнгилочар масканлар ва меҳмонхоналарда сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда.



Туризм

Шунингдек, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган мухташам тантаналар мажмуаси бунёд этилган. II Халқаро мақом санъати фестивали ҳам айнан шу ерда бўлиб ўтган эди. Унда қарийб 80 давлат ва халқаро ташкилотдан 400 га яқин санъаткор ҳамда муסיқашунос қатнашди. Мана шундай кўнгилочар масканлардан кўнгли ёришган меҳмонлар юқори кайфиятда сафарини давом эттиради.

Тоғларга етакловчи йўл бир зумда сизни "Зомин" сув омборига олиб боради. Ундан ўтган, Дуоба қишлоғи бошланади. Усонли-ой ва Еттикочувдан оқиб келаётган сувнинг қўшилиши жойида жойлашган ушбу қишлоқда турли унармандлик маҳсулотлари, миллий таомлар ва кийим-кечак савдо шохобчалари мавжуд. Довруғи бутун дунёга кетган Зомин тандир гўшти ва патири ҳам шу ерда тайёрланади. Сайёҳлар бу миллий таомларни нафақат тановул қилиши, балки уларнинг тайёрланиш жараёни билан бевосита танишиши ҳам мумкин. Дуобага "Туризм қишлоғи" мақоми берилган.

Зомин тоғларига саёҳат, асосан, Миллий табиат боғидан бошланади. Унинг рамзий дарвозаси Ўриклисойда жойлашган.

— Табиат боғи 1976 йили ташкил этилган, — дейди Зомин миллий табиат боғи директори Бобур Хўжаев. — Унинг умумий

майdonи 23 минг 429 гектар. Худудимизда арчанинг қора, ўрик ва савр навлари ўсади. Шунингдек, 1216 турдаги ўсимлик мавжуд бўлиб, уларнинг 21 тури Ўзбекистоннинг "Қизил китоб"ига киритилган. Ўсимликларнинг 100 дан ортиқ тури шифобахш хусусиятга эга. Тоғларимизда арчалар нафақат гўзаллик рамзи, балки одамлар учун ўта зарур тоза ҳаво ва битмас-туганмас кислород манбаи ҳамдир.

Атрофдаги гўзалликка мафтун бўлиб, Зомин санаторийси ва шаршарасига етиб келганингизни сезмай қоласиз. Баланд тоғлардан отилиб тушаётган шаршара атрофи ҳаммаша гавжум. Сайёҳларни жалб этаётган замонавий

осма дор йўли ҳам шаршаранинг шундоқ ёнида жойлашган. 12 та минора, 11 та устун ва замонавий дизайндаги 36 кабинадан иборат ушбу дор йўли Зомин тоғлари манзарасини баланддан томоша қилиш имконини беради. Тоғларга ўзгача кўрк ва жозоба бахш этиб турган арчазорлар, баланд қовлар ва чуқур дараларни юқоридан кузатишнинг завқи ўзгача.

— Дор йўлида атрофни кузатиш нақадар завқли эканини сўз билан таърифлаш қийин, — дейди Навбахор туманидан келган Муродилла Раҳимов. — Умр йўлдошим билан саёҳатга келганимиздан ниҳоятда хурсандимиз. Табиат гўзаллигидан олган таассуротларимиз бир олам.

Зомин географик жойлашувига кўра тоғлар, қир-адирлар ва умуман, сайёҳларни жалб қила оладиган хушманзара табиатга эга. Туризм — туман иқтисодиётининг асосий драйвери. Бу ерда сайёҳларга замонавий хизматлар кўрсатиш учун жуда кўп қулайлик яратилмоқда. Бугун 3000 дан зиёд меҳмонни қабул қилишга мўлжалланган, 3195 ўринли 147 та жойлаштириш воситаси, меҳмонхона ва хостеллар мавжуд. Туристларга қулайлик яратиш мақсадида "Афросиёб" тезорат поездининг Жиззах темир йўл вокзалида тўхтаб ўтиши, туманининг "Лайлак уя" массивида Зомин аэропорти ва йўловчи терминали қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам хоржий ва маҳаллий сайёҳларга кўрсатилаётган юксак эътибор ифодасидир.

Дор йўли орқали Суффага чиқасиз. "Суффа платоси. 2400" халқаро умуммавсумий курорт мажмуасида юртимизда ягона бўлган, узунлиги 305 ва баландлиги 150 метрли ойнали осма кўприк сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, экстремал туризм илҳосмандлари учун зиплайн хизмати йўлга қўйилган. Минг ўринли амфитеатр ва 500 сайёҳга хизмат кўрсатувчи соғломлаштириш маркази мавжуд.

Сайёҳлик масканларида турли фестиваллар, концертлар, халқаро марафон ва туризм тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Зомин тоғларида қор қалин ёғиши ва қиш мавсуми узоқ давом этишини ҳисобга олган ҳолда тоғ-чанги спортини ривожлантириш ҳам режалаштирилган.



Абдусаттор СОДИҚОВ,
фахрий журналист

— Кўп мамлакатларда саёҳатда бўлганман, — дейди беларуслик сайёҳ Александр Михайлов. — Тўғриси, Зомин тоғларининг бетакор манзараси ва мусоффо ҳавоси менга ҳузур бағишлади. Кўнгилочар масканлар ва осма кўприк ҳар қандай одамни ҳайратга солар экан. Юртингизда туризмни ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилаётгани таъсирга қўйилган.

Осма кўприк халқ орасида "Бахт кўприги" деб ҳам аталади. Бонси, Суффада "Бахт уйи" бунёд этилган. Никоҳдан ўтган келин-куёвлар тантанали равишда "Бахт кўприги"га кузатиб қўйилади. Суффада сайёҳлар мазмуни ҳордиқ чикариши учун барча шароит яратилган. Хоҳловчилар отда сайр қилиши мумкин. Болалар учун турли аттракционлар ишлаб турибди, яхна ичимликлар ва муқаймоқлар сотилапти.

Суффадан шаршара томон қайтишда автомашинада сайр қилиш янада мароқли. Йўл-йўлакай табиат бағридаги мўъжизалардан баҳраманд бўласиз. Йўл четигаги улкан арча атрофи ҳаммаша гавжум. Бу ерда транспорт воситалари тўхташи учун алоҳида жой ҳозирланган.

— Бу арча Миллий боғ худудидаги ўзига хос мўъжизадир, — дейди илмий ходим Саидрасул Баракаев. — Россия Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан ҳамкорликда кузатув олиб бориб, арчанинг ёши минг йилдан каттароқ эканини аниқладик. Илмий ходимларимиз саёҳатчиларга ушбу қадимий арчанинг шифобахш хусусиятлари ва уни муҳофаза қилиш аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб беради.

Тоғлар орасидан ўтган текис асфальт йўл сизни янги манзиллар сари қорлайди. Йўл четигаги яна бир маскан — Шербулоқ ҳам саёҳатчилар эътиборини тортиши табиий. Тоғдан сизиб чиқаётган булоқ суви махсус қувурлар орқали йўл четига чиқарилиб, сайёҳлар ичishi ва олиб кетиши учун қулай шароит яратилган. Шунингдек, Зомин тоғларида ўсувчи ноёб шифобахш гивёҳлар савдоси ҳам йўлга қўйилган.

Шу тариха қандай қилиб яна шаршара ёнига етиб келганингизни сезмай қоласиз. Бенхтйёр машинадан тушиб, тоғлар бағридан отилиб тушаётган сувни завқ ва ҳажжон билан кузатасиз. Арча ҳидига тўйинган тоза ҳаводан ўпкангизни тўлдириб нафас оларкансиз, ўзингизни қушдек енгиб ҳис этасиз. Кўнглингиз тоғ ҳавосидан ёришиб, ёрқин таассуротлар оғушида сафарингизни давом эттирасиз.

— Кўп мамлакатларда саёҳатда бўлганман, — дейди беларуслик сайёҳ Александр Михайлов. — Тўғриси, Зомин тоғларининг бетакор манзараси ва мусоффо ҳавоси менга ҳузур бағишлади. Кўнгилочар масканлар ва осма кўприк ҳар қандай одамни ҳайратга солар экан. Юртингизда туризмни ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилаётгани таъсирга қўйилган.